



АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МЕХАНИЗМИ ВА УНИ ҲУҚУҚИЙ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Турабоев Рахматилло Ибрагимович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
судьялар олий мактаби “Жиноят ҳуқуқи” кафедраси тингловчиси
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8146091>

ARTICLE INFO

Received: 06th July 202

Accepted: 13th July 2023

Online: 14th July 2023

KEY WORDS

Жиноят ишлари юритуви,
процессуал келишув, айбга
иқрорлик ҳақида келишув,
ярашув институти.

ABSTRACT

*Ушбу мақола иши жиноят ишлари юритувига айбига
иқрорлик тўғрисидаги келишув институти
татбиқ қилиш масалаларига бағишланган.
Мақолада жиноят ишлари юритувига айбига
иқрорлик тўғрисида келишув институти жорий
этиш билан боғлиқ қонунчилик таҳлил қилинди.*

Жиноят процессининг судга қадар босқичларида процесс иштирокчиларининг жиноят низоси юзасидан келишувга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш масалалари уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳамда жиноят процессини жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармонида суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш белгиланган¹.

Миллий қонунчилигимизда жиноят процессида ишларни юритишнинг шундай шакллари мавжудки, уларни амалга ошириш судга қадар босқичларда процесс иштирокчиларининг жиноят низоси юзасидан келишувга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади. Ишларни юритишнинг бундай йўналишларига, жумладан, ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш ва янги институт – айбга иқрорлик тўғрисида келишув кабиларни кўрсатиш мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 06/20/6041/1151-сон



Айбга иқрорлик тўғрисида келишув жиноят процессида судга қадар босқичларда процесс иштирокчиларининг жиноят низоси юзасидан келишувга бўлган ҳуқуқларини таъминлашнинг замонавий шакли бўлиб, жиноят процесси тизимида янги институт ҳисобланади.

Судга қадар босқичларда процесс иштирокчиларининг жиноят низоси юзасидан келишувга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, айбга иқрорлик келишуви ҳақидаги фикрларни кўриб чиқадиган бўлсак, улар бир қанча хусусиятга эга.

К.Ф.Гуценконинг ёзишича, жиноят процессининг тизими – бу суриштирувчи, терговчи, прокурор ва айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни кўриш ва ҳал қилиш жараёнида процесснинг бошқа иштирокчилари билан вужудга келадиган муносабатлар доирасида амалга ошириладиган ҳаракатлар муайян тартибда ҳамда ўрнатилган процессуал шаклга тўлиқ амал қилган ҳолда олиб борилади. Мазкур фаолиятни юритишнинг энг муҳим жиҳати шундаки, у нафақат тартибланган ҳаракатлар йиғиндисидан, балки муайян чегарада ва доирада амалга ошириладиган ҳаракатлар тизимидан иборатдир².

Жумладан, И.Л.Петрухиннинг таъкидлашича, жиноят процессидаги айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув босқичлари тизими иш бўйича ҳақиқатга эришиш кафолати, тергов ва суд хатоларини аниқлаш ва бартараф этиш воситаси ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу тизим айбланувчи ва жиноят процессида қатнашувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолати ҳамдир, чунки у аввалги босқичда қабул қилинган қарорлар устидан прокурорга ёки судга шикоят қилиш имконини беради³.

Бироқ, жиноят-процессуал муносабатларнинг “босқичлар”да вужудга келиши, уларда ривожланиши ва тугатилиши айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тизимининг вертикал асосини ташкил этади, холос.

Назарий методологияга бағишланган асарларда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувда, низо юзасидан иштирокчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тизими тушунчаси борасида анча яқдилликни кўриш мумкин. Уларда ишлаб чиқилган таърифларга кўра, тизим – бу ўзаро боғлиқ ва бир-бири билан алоқага эга элементлардан ташкил топган яхлит объектдир⁴.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 586¹-моддасига мувофиқ, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув жиноят ишини юритишни ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузиладиган келишувдир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг “Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув” масаласига бағишланган 62¹-боби Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18

² Қаранг: Уголовный процесс. Учебник для вузов. Изд. четвертое /Под ред. К. Ф. Гуценко. –М.: Зерцало, 2000. – С. 6.

³ Уголовно-процессуальное право Российской Федерации. Учеб. – 2-е изд., перераб.и доп. /Л. Н. Башкатов и др.; отв.ред. И. Л. Петрухин. –М.: Проспект, 2009. –С.11–12.

⁴ Қаранг: *Пожарский Д.В.* Охранительная функция государства: вопросы системности // Государство и право, 2012, №2. – С. 110.



февралдаги ЎРҚ-675-сонли [Конунига](#)⁵ асосан киритилган бўлиб, Мазкур қонунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 57²-модда билан тўлдирилиб, унда айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ва миқдори ЖК махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги белгиланди.

Юқоридагиларга асосан ушбу норма шахсни содир этган қилмиши учун айбига иқрор бўлиб, жиноятларни фош қилишда, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда тергов органига ёрдам бергани учун қонун билан кафолатланган рағбатдир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 2-қисмида айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув қуйидаги асослар ва шартлар мавжуд бўлган тақдирда тузилиши белгиланган:

- 1) гумон қилинувчи, айбланувчи ўз ҳаракатларининг моҳиятини, шунингдек ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етган бўлса;
- 2) илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин берилган бўлса;
- 3) гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ёки тергов органи томонидан қўйилган гумонни ёхуд айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни, шунингдек етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини инкор этмаса ҳамда уни бартараф этган бўлса.

Шунингдек, айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув қуйидаги ҳолларда тузилиши мумкин эмас, (ЖПК 586-модда 3-қисми) агар:

- 1) ЖПКнинг [61-бобида](#) белгиланган тартибда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар мавжуд бўлса;
- 2) шахс томонидан бир нечта жиноят содир этилган бўлиб, улардан лоақал биттаси ушбу моддада белгиланган талабларга тўғри келмаса.

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган ишлар бўйича ЖПКнинг асосан

Процесда айбига иқрорлик келишуви кўрилатган ишларда ҳимоячининг иштироки мажбурий бўлиб, айбланувчининг ҳимоячидан воз кечиши суд учун мажбурий эмас. Агар суд ҳимоячидан воз кечиш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантурса, иш алоҳида тартибда кўриб чиқиши мумкин эмас.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувда жиноят процесси иштирокчилари сифатида прокурор ҳам қатнашади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг ЖПКнинг Бунда айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома жиноят ишини юритаётган суриштирувчига, терговчига тақдим этилади.

Суриштирувчи, терговчи айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш тўғрисидаги илтимосномани олган пайтдан эътиборан 24 соат ичида жиноят ишини келишув тузиш масаласини ҳал қилиш учун прокурорга юборади.

Прокурор келишув тузиш тўғрисидаги илтимосномани у келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида суриштирувчи ёки терговчи ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси иштирокида кўриб чиқади ва ЖПКнинг [5861-](#)

⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон.



[моддасида](#) кўрсатилган талабларга риоя этилганлигини текширади. Зарур ҳолларда, прокурор жабрланувчини ёки фуқаровий даъвогарни ҳам келишув тузиш масаласини кўриб чиқиш учун жалб қилади.

Прокурор келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқаётганда:

1) жиноят иши материалларини ва тақдим қилинган ёки талаб қилиб олинган қўшимча материалларни ўрганади, келишув тузишнинг асосларини текширади, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг келишув предмети бўлган ҳаракатларни амалга ошириш имкониятларини баҳолайди;

2) гумон қилинувчи, айбланувчи айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг барча шартлари билан танишган-танишмаганлигини, илтимосномани ихтиёрий равишда ва ўз хоҳиши билан, шунингдек ҳимоячи билан муҳокама қилганидан кейин берган-бермаганлигини, унга нисбатан бирон-бир тазйиқ ёки мажбурлов ўтказилган-ўтказилмаганлигини, тузилаётган келишувнинг моҳиятини тушунган-тушунмаганлигини аниқлайди.

Шундан кейин прокурор, агар келишувга асосан ҳукм чиқарилиб, жазо тайинланганидан кейин гумон қилинувчининг, айбланувчининг била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлиги ёки терговдан бирон-бир муҳим ва иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни қасддан яширганлиги, келишувда назарда тутилган шартлар ва мажбуриятларни бажармаганлиги аниқланса, ҳукм қайта кўриб чиқиши мумкинлигини айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақида илтимоснома берган гумон қилинувчига, айбланувчига тушунтиради.

Прокурор томонидан айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосноманинг рад қилиниши гумон қилинувчи, айбланувчи ва унинг ҳимоячисини ушбу масала юзасидан такроран илтимоснома бериш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Мазкур тоифа ишлар бўйича хулоса қилиш мумкинки, судга қадар босқичларда процесс иштирокчиларининг жиноят низоси юзасидан келишувга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

биринчидан, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда келишув институтларининг қўлланиш доирасини янада кенгайтириш, шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун барча зарур чораларни кўриш мумкинлиги;

иккинчидан, инсон қадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш амалиётига барҳам бериш, шахсни чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни фош этишда ҳамкорлик қилганлиги ҳамда кўмаклашгани учун жавобгарликдан озод қилиш;

учинчидан, ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш орқали жиноят-процессуал муносабатларда инсонпарварлик принципини жорий этишга қаратилган жиноят-процессуал муносабатларда айбсизлик презумпцияси принципи талабларининг устуворлигини таъминлаш;

тўртинчидан, жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш имконини берадиган процессуал келишув элементларини миллий қонунчиликка жорий этиш фуқаролар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган янги низоли вазиятларни бартараф этади.



Юқоридагиларга кўра хулоса қиладиган бўлсак, жиноят процессига киритилган янги келишув институти - айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тарафларни ўзаро келишув тузишга мажбурламайди, келишув тузилмаган ҳолларда ҳам процесс иштирокчилари ҳуқуқларини чекламасдан, жиноят ишини соддалаштирилган тартибда юритиш, давлатнинг иш кучи ва харажатларини тежаш орқали айб учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президент Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи – № 19 (7521) 25.01.2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, (LexUz). 10.08.2020 й., 06/20/6041/1151-сон
3. УПК РФ Раздел X. Особый порядок судебного разбирательства // (манба: <http://www.consultant.ru>).
4. Пожарский Д.В. Охранительная функция государства: вопросы системности // Государство и право, 2012, №2. – С. 110.
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (lex.uz).